

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИБ ХАЙЪАТИ НАШРИ

№ 79 (2343)

1991 ЙИЛ 2 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

Шарафли вазифа

Эртага давлат автомобиль назорияти ташкил топган кунга эллик беш йил тўлади. Эллик беш йил! Одамзот бу улугвор ёшга тўлганда бехиёв мазмунли ёки мазмунсиз ўтган умрига бир назар ташлаб, яхши-ёмон кунларини сарҳисоб қилгиси келиб қолади. Демак, ярим асру яна беш йил умр кўрган ДАНнинг ўтган йилларига қайтиш, қилинган ишларини таҳлил этиш фойдадан ҳоли эмас.

Халқ Комиссарлари Кенгаши «Совет Иттифоқи ички ишлар Халқ Комиссарлигининг ишчи-деҳқон милицияси Бош бошқармаси қошида давлат автомобиль назориятини йўлга қўйиш ҳақида Низом жорий этиш борасида» қарор қабул қилган 1936 йилнинг 3 июль кунини ДАН туғилган кун сифатида тарихга кирди. У пайтлар мамлакатимизда 136 минг дона (131 минг донаси юк ташувчи) автомобильлар бор эди. Кўриниб турибдики, улар ҳаракати устидан қатъиян назорат ўрнатиш — ҳаётий зарурат бўлиб қолганди.

Орадан йиллар ўтди. Мамлакатимизда автомобиль ва бошқа техника турлари тақомиллашгани сари ДАН ҳам мустақамланиб, халқ кўзи олдида ўз мавқеини оширди. Эндиликда унинг зиммасидаги вазифалар кўламини ортган. Автофалокатларнинг олдини олиш, уловларни ўғирлаш ҳолларига, улардан ғайриқонуний мақсадда фойдаланишга қарши курашиш, ҳайдовчилар малакасини ошириш ва айни пайтда автокорхоналар фаолиятини текшириб туриш шу касб эгаларига юклатилган.

Элдининчи йилларга келиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда милиция деярли мустақил ишлайдиган бўлди. Улар ўзларига билдирилган ишонч масъулиятини чуқур ҳис қилиб, постларда ва патрулликларда, тарғибот марказларида кунини тунга, тунини тонгга улаб, сергак турдилар. Бироқ фан-техниканинг ривожланиши асосида автоуловлар миқдори ҳам шиддат билан кўпаяверди. Худди шунинг учун ҳам барча куч ва имкониятни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш зарур эди. Шу боис 1976 йили ССЖИ Вазиirlар Кенгаши ҳозир амал қилинаётган Низомни тасдиқлади.

Аммо яна шу томони ҳам борки, қарор ва қонунлар қабул қилиш билангина йўлдаги кўнгилсиз ҳодисалар олдини олиш мумкин эмас. Бу фақатгина ДАН ходимларининг бурчга қай даражада содиқлигига, қолаверса, ҳайдовчилар ва пйёдаларнинг тартиб-интизомга бўйсуниларига боғлиқ.

Аҳолиси кўпчилиги жиҳатдан мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайдиган жумҳуриятимизда техника воситалари ҳам кўп. Демак, бундан келиб чиқадики, ДАН хизмати савиясини ошириш Ўзбекистонимизда ҳам ҳаётий заруратдир. Ҳозир йўл назоратчиларимиз иши билан атиги бир кун танишмоқчи бўлсангиз, улар ўз бурчларига қай даражада муносабатда бўлаётганларини билиб olasiz. Қишнинг қаҳратони-ю, ёзнинг жазирама иссини, кучли шамолу дўл-ёмғирлар ҳам уларни чекинтиролмайди. Кеча-кундузнинг хоҳлаган пайтида постларга борсангиз, кўзлари уйқусизликдан қизарган, лекин хушёр ходимларимизга дуч келасиз.

Кўча тасодифларга тўла. Шу боис ўз хизмат вазифасини ўтаётганда бурч тақозаси туфайли оламдан эрта кўз юмган ҳамкасбларимиз бор, уларни ёдга олиб ўтмоқ зарур. Норхўжаев, Матчинов, Мадаминов, Иноғомов, Асқаров, Ғиёсов каби аҳдига содиқ ўртоқларимиз бир умрга хотирамиздан чиқмайдилар. Уларнинг ишларини сафдошлари давом эттиришашти. Бу ўринда ҳурмат билан Акмал Ғафуров, Юнусхон Шалаев, Носир Шукуров, Сандмурод Хондалов сингари илғор ДАН ходимларини айтиб ўтиб жонздор.

Бу йилги байрам мамлакатимизда қийин бир шароитда — иқтисодий танглик ҳукм сураётган паллада нишонланапти. Машинаолибқочарлар ҳаракати кучайган, йўлларда тартиб-қондага риоя этмаслик оқибатида кўнгилсизликлар бўлиб турибди. Демак, ДАН ходимлари ўзларининг анъанавий байрамларини ҳашаматли саройларда, тўкин дастурхонлар атрофида нишонлаш имкониятига эга эмаслар.

Масаланинг ана шу томонларини ҳисобга олган ҳолда жумҳуриятимиздаги барча йўл назоратчиларини қизгин табриклаймиз, уларнинг сермашаққат ва фахрли хизматларида омадлар тилаймиз.



Йўл тасодифларга тўла. Кунини оёқда ўтказган ДАН ходимига бунини ўқитиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Амударё тумани ИИБ ДАН инспекторлари Бахтёр Нажимов (чапда) ва Йўлдошбой Жумамуротовлар бурчинини мардона ўтаётганлардан. Яқинда Йўлдошбой қуролланган хавфли жиноятчиларни ушлашда жасорат кўрсатди.



Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

Хизматингизни қадрлаймиз

Азиз ўртоқлар!

Бугун мен қутлуғ айёмни нишонлаётган дамларингизда мурожаат этиб, Ўзбекистон ССЖ ИИБ хайъати ва шахсан ўз номидан Сизларни давлат автомобиль назорияти ташкил топган кунга 55 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

ДАН шонли йўлни босиб ўтди. Бугун жумҳурият йўлларида ўз касбига садоқатли, эл олдидаги юксак бурчини тўла англаган посбонлар хизмат қилишмоқда. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон ССЖ ИИБ ДАНБ бўлакларида иттифоқдагига қараганда кўпроқ миқдорда олий ва ўрта махсус маълумотли ходимлар мавжуд. Улар орасида турли ихтисосдаги мутахассисларни учратиш мумкин. ДАН ходимлари ихтиёрида замонавий техника воситалари бор.

Бугунги кунда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда асосий масъулият ДАН ходимлари зиммасига тушмоқда. Шунинг учун биз уларнинг матонатли меҳнатини бениҳоя қадрлаймиз. Зеро, саратоннинг жазирамасида-ю, чилланинг қаҳратон соғуғида постда турган ДАН ходими хизмати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Сизларнинг меҳнатингиз туфайли бугун жумҳурият йўлларида кўнгилсиз ҳодисалар сони озайиб бормоқда. Демак, меҳнатингиз зое кетмапти.

Сизларни яна бир бор байрам билан қутлаб, хизматда каттадан-катта муваффақият, оилангизга қут-барака ва сиз ҳат-саломатлик тилаб қоламан.

Вячеслав КАМОЛОВ,
жумҳурият ички ишлар вазири генерал-майор.

РЎЗНОМАНИНГ

УШБУ СОНИ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРИЯТИНИНГ ЭРТАГА—3 ИЮЛЬ

КУНИ НИШОНЛАНАДИГАН 55 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН

ЎзССРЖ ИИБ ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзССРЖ ИИБ ахлоқ тузатиш бошқармаси 1-тергов қамоқхонасида фавқулодда ҳодиса юз беришига олиб келган ЎзССРЖ ИИБ АТБ фаолиятидаги жиддий камчиликларни тугатиш бўйича қабул қилинган қарорнинг ижроси кўриб чиқилди.

Ҳайъат ЎзССРЖ ИИБ АТБ ушбу қарорни бажариш юзасидан қатор ишларни амалга оширганини таъкидлаб ўтди. ИИБ тармоқ хизматлари билан вазиятни яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди, ЎзССРЖ Олий Кенгаши ва ЎзССРЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон ССЖ жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия кодекслари лойиҳасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи

берилди.

Ҳайъат Тошкент шаҳридаги 1-тергов қамоқхонасига катта ёрдам кўрсатилганини таъкидлаб ўтди. Жумладан қамоқхона штати кенгайтирилди, у малакали ходимлар билан мустаҳкамланди.

Ҳайъат мажлисида сақлаш режими, маҳкумларни тар-

нинг аҳволи ва бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш масаласи ўрганиб чиқилди.

Жумҳурият ички ишлар идоралари ва бўлаклари томонидан ўтказилган чоратадбирлар натижасида 3312 та қурол, 50 минг дона ўқ,

нинг бошланғич қўмиталари, ўқув юртлари ва ташкилотлардаги портловчи моддалар, ўқ-дори ва ўқотар қуроллар вақтинчалик сақлаш учун олиб қўйилди.

Шунга қарамайдан кўрилатган чоралар мўлжалдаги натижани бермади. Таҳлил шунинг кўрсатмоқдаки, ўқотар

ли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, улардаги ноқонуний сақланаётган қуролни аниқлаш ва олиб қўйишни назорат қилиш сусайган.

Ҳайъат ССЖИ Президентининг 1990 йил 25 июлдаги Фармонини бажариш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли эмас, деб топди. Бу борадаги фаолиятни кучайтириш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида юз берган воқеа муносабати билан Бухоро вилояти ИИБ фаолиятида кўзга ташланиб қолган жиддий камчиликлар ҳайъат мажлисида муҳокама қилинди. Салбий кўриниш туб сабаблари ўрганилиб чиқилди. Ҳайъат қарори билан Бухоро вилояти ИИБ ва Навоий шаҳар ИИБ қатор раҳбарларига интизомий чора қўрилди.

ЎзССРЖ ИИБ ҳайъатида

биялаш, шахсий таркиб билан ишлашда жиддий камчиликлар мавжудлиги уқтирилди.

Шунингдек, ҳайъатда ССЖИ Президентининг 1990 йил 25 июлдаги Фармони талаблари асосида қурол сақланишини, ноқонуний сақланаётган ёҳуд ўғирланган қуролларни қидириб топиш ва олишни таъминлаш-

турли хил аслаҳа ва ўқ-дори фойдаланиш қондаси бузилгани ҳамда ноқонуний сақланаётгани учун олиб қўйилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари юритилгани учун фуқаролар кўнгилли равишда 879 дона қуролни топширишди. Ўқотар қуроллар сақланаётган объектлар бир неча мартадан текшириб чиқилди, ДОСААФ-

қуроллар билан содир этилатган жиноятлар сонига ўсиш аломати бор. Жумҳуриятнинг айрим музофотларида қурол сақланаётган объектлар устидан ва ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи моддалардан фойдаланиш юзасидан етарлича назорат ўрнатилмаган.

Ички ишлар идоралари раҳбарлари томонидан аҳо-

Кўнгилли

автоназоратчилар

Автомобилларнинг кўпайиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида долзарб масалаларни юзага келтирмоқда. Кўп йиллик тажриба уларни ҳал этишда кенг жамоатчиликка таяниб иш кўришни тақозо қилади.

Бу ўринда Зарафшон, Бухоро шаҳарлари, Шофиркон ва Бухоро туманлари ИИБ ДАН ходимларининг ишлари мақтовга лойиқдир.

Бухоро вилоятидаги жамоат қўшилмалари йўл ҳаракати бузилишлари олдини олиш, олиб қочарларни тутиш ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашда милицияга яқиндан ёрдам бермоқда.


Шаҳардаги 18, 61-автокорхона, таксомотор, автобус саройларида фаолият кўрсатётган дружиналарга йўл ҳаракати хавфсизлиги муҳандислари раҳбарлик қиладилар. ДАН ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказадилар. Масалан, «Автобус», «Эҳтиёт бўлинг, болалар!», «Мотоцикл», «Ширкат таксиси» кабилар шулар жумласидандир. Унда иштирок этган жамоатчи кўнгилли автоназоратчилар милиция ходимларига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи, йўловчиларни аниқлашда ва зарур чора кўришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шаҳар таксомотор саройи ҳайдовчиси А. Борухов 1971 йилдан жамоатчи ёрдамчи бўлиб, йил давомида 150 дан ошмиқ қоидабузарликнинг пайини қирқди. 1961 йилдан ДАН ходимларига яқиндан ёрдам бериб келаётган Ҳ. Қурбонов эса шу йилнинг олти ойи мобайнида йўл ҳаракатидаги 167 та интизомбузарликнинг олдини олиб, 13 нафар маст ҳолда рулга ўтирган ҳайдовчиларни ушлади. Худди шундай Н. Агарков ҳам 100 дан ортиқ қоидабузарликка чек қўйди.

Жамоатчи назоратчиларнинг беғараз кўмаги туфайли вилоятда автоавариялар сони 30 фоизга камайди. Ҳозирги кунда халқ кўнгиллиларидан янада самаралироқ фойдаланиш, уларни кўпроқ жалб этиш кўзда тутилмоқда.

И. ПРОЗОРОВСКИЙ,
милиция катта лейтенанти.

ДАНнинг ўтмишидан



Ҳаммага ўрнак

Ғаллаорол тумани ИИБга марказий касалхонадан оғир тан жароҳати билан фуқаро А. Ҳўжамқулов тушганлиги ҳақида хабар берилди. Ички ишлар ходимлари жабрдийда билан суҳбатлашди. Уни икки нотаниш кимса уриб, 1600 сўм пулини тортиб олишгани аниқланди. Бу жиноий ишни очишда туман ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция капитани С. Йўлдошев ва ИПХ инспектори А. Ориповлар қатнашдилар. Тез орада жиноятни содир этган икки шахс Х. Холмуродов ва А. Абдурахимовлар қўлга олиндилар.

Туман ИИБ ДАНБ бошлиғи Саримсоқ Йўлдошев ички ишлар идораларида 1980 йилдан бери хизмат қилиб келади. Бўлима бошлиғи сифатида иш фаолиятини 1987 йилда бошлаган. Аммо шу қисқа фурсатда ДАН кўрсаткичларини вилоят миқёсида энг юқори даражага олиб чиқди. Туман автохўжаликларида ташкил қилинган тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли кейинги йилларда йўл-улов ҳодисалари кескин камайди.

С. Йўлдошев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, қўл остидагиларга ўрнак бўлмоқда.

Я. ТЕМИРОВ,

Доимо сергак

Ҳарбий хизматдан кейин Жиззах тумани комсомол қўмитасининг йўлланмаси билан ички ишлар идораларига ишга келган Тоҳир Суннатуллоев мана тўққиз йилдирки, ўз вазифасини виждонан ўтаб келмоқда. У оддий милиционерликдан ДАНБнинг алоҳида ротаси катта инспектори лавозимига кўтарилди.

У ўзи хизмат қилаётган йўлнинг қайси жойида қоидабузарликлар кўп бўлишини билади, шу ерларда мунтазам рейдлар ўтказди.

Ҳозир озиқ-овқат, қишлоқ маҳсулотлари, sanoat моллари тақчиллиги даврида у ўз постида сергак туриб, жумҳуриятимиздан ташқарига олиб чиқиб кетилётган камёб моллар ортлган 12 та автотранспортни аниқлаб, ИИБга топширди.

Милиция лейтенанти Т. Суннатуллоев билан ҳамкорликда ишлашнинг ўзича завоқи бор, дейишади у ҳақда бўлим ходимлари.

А. ЭРНАЗАРОВ,

ҲАМОН ЭЪЗОЗДА

Унинг гапига ўшанда ҳам қўшилмаганим, ҳозир ҳам. Чунки тинчлик посбонлари сафида хизмат қилиб, кексалик пайтида ҳам ҳўрмат-эътиборга сазовор бўлган кишиларнинг кўпини биламан. Улардан бири — Рузалин Гайнулиндир.

Бу киши ички ишлар соҳасида 25 йил хизмат қилди. Шу даврининг кўп қисми Самарқанд шаҳар ИИБ ДАН ходимлари орасида ўтди.

У ҳамкасблари билан ҳам, фуқаролар билан ҳам бақриб гаплашмас, мўлойимлик, ҳа-

лаллик қон-қонига сингиб кетганди, — деб хотирлашади шоғирдлари. — Биздан ҳам шунинг талаб қиларди. Айни вақтда адолатсизлиқнинг ҳар қандай кўринишига инсбатан мўросасиз эди.

Унинг ана шу ҳислатини аввал ҳам қадрлашарди, ҳозир ҳам. Шу бонс маҳаллада тўй-томошалар унинг иштирокисиз

ўтмайди, давранинг тўри ҳар доим шу кишиники.

Рузалин Гайнулин кексаликка ҳамон сўз берган эмас. Бир қарасангиз, маҳалла-йўда, бир қарасангиз, собиқ сафдошлари орасида бўлади. Чунки у кишининг доно маслаҳатларига кўпчилик ташна.

Анвар НАЗАРОВ.

Бир танишимнинг гапи ҳамон қўлоқларим остида жараңлагандек бўлади.

— Милиционерлик яхши касб, — деган эди у суҳбат орасида. — Лекин бу касб ортдан топинган ҳўрмат-эътибор ақтинчалик. Айтайлик, пенсияга чиққанингдан кейин кўпчилигининг муносабати дарров ўзгаради.

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Маълумки, болалар ўртадаги йўл-улов ҳодисаларидан жароҳатланиш энг қай

гули кулфатлардан биридир. Бундай машъум воқеаларнинг рўй бериши эса фарзандла

римизнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмаганликларидан оқибатидан келиб чиқмоқда. Шунинг учун кейинги пайтда болаларга йўл ҳаракати қоидалари, боғча ва мактаблардан бошлаб ўргатилмоқда. Вақти-вақти билан эса уларнинг бу соҳадаги билим ва маҳоратлари текшириб турилади.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг 10-хунар-техника билим юртида ана шундай хайрли тадбир ўтказилди. Бу ерга жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан йўл ҳаракати ёш назоратчилари йиғилди. Анъанавий кўрикда барча вилоятлардан келган ўқувчилар ўзаро куч синашди. 3 кун давом этган бу мусобақалар икки йўналишда, яъни ҳаракатнинг ёш назоратчилари танлови ва «Хавфсиз гилдирак» деб номланган ёш велосипедчилар беллашувидан иборат бўлди.

Мусобақалар давомида унинг ташкилотчилари ҳам ўзига хос «синов»дан ўтдилар. Чунки ўша кунлари Қашқадарёда жуда кучли бўрон тургани натижада кўпгина электр тармоқлари ишдан чиққанди. Шу сабабли қарийб бир кеча-кундуз электр чироқларини ёқиб, иккинчи тарафдан эса, кўрик ўтказилиши жараёнида озик-овқат маҳсулотларининг нархлари ошиши анча қийинчилик туғдирди. Лекин бу муаммолар ташкилотчиларнинг ҳам, кўрик иштирокчиларининг ҳам руҳини тушир

мади. Мусобақалар ўта кўтаринки руҳда олиб борилди. Кўрик пайтида ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларидан ўзларининг назарий билимларини намойиш қилдилар, сўнгра турли босқичларда мусобақалар давом эттирилди. Болалар ёш автоҳаваскорлар босқичида транспорт воситаларининг характеристикалари, уларнинг тузилишларини қанчалик билишликларини кўрсатган бўлсалар, бошқа босқичларда улар йўл ҳаракатини тартибга солиш, кўчаларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича ўз билимларини намойиш қилдилар. Йўл-улов ҳодисаларида жабрланганларга қандай биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар бир команда «тиббий ҳамширалари» назарий ва амалий жиҳатдан маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Болалар ўз қўллари билан ясаб келган радио орқали бошқариладиган автомашиналар танлови қатнашчиларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

«Хавфсиз гилдирак» мусобақаларида болалар велосипедларни бошқариш бўйича қандай даражада назарий билимга эга эканликларини бўйича беллашдилар. Автомайдончада йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда велосипедларни бошқариш, турли тўсиқлардан айланиб ўтиш бўйича ўзаро куч синашдилар.

Нихоят, мусобақаларнинг ҳаяжонли дамлари ортда қолиб, командаларнинг бу синовларда қай даражада иштирок этганликлари аниқланиб, мусобақаларга якун ясалди. Ҳаракатнинг ёш назоратчилари танловида энг юқори баҳоларни Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманидаги 3-мактаб ёш автоназоратчилари отряди аъзолари қўлга киритдилар, иккинчи ўрин Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги 26-мактаб, учинчи ўрин эса Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги 9-мактаб ёш автоназоратчиларига насиб қилди. «Хавфсиз гилдирак» танловида эса Андижон вилоятининг Ленинка шаҳридаги 8-мактаб ёш велосипедчиларига омад кулиб боқди. Ғузур туманидаги 3-мактаб ёш велосипедчилари иккинчи, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги 38-мактаб ёш велосипедчилари эса учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Кўрик иштирокчиларини Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги, Ўзбекистон ССЖ халқ ноиб Н. А. Исмоилов қизғин табриқлади.

Акмал ОҚИЛОВ, жумҳурият ИИБ ДАНБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.
СУРАТЛАРДА: кўрикдан лавҳалар.

Улар шахид кетишди

Ҳаёт шундай бешафқат. Бировга вафо қилади, бировга жафо. Мана шу шафқатсизлик туфайли беҳисоб одамлар ҳар хил сабаблар билан бевақт ҳаётдан кўз юмадилар. Шулар орасида фуқаролар тинчлиги кўрикчиси бўлган, йўлларда турли автоаварияларнинг олдини олишда астойдил тер тўккан ДАН ходимлари ҳам анчагина.

Бугунги байрам кунда биз шундай фидойи инсонларнинг муборак номларини бир лаҳза ёдимизга олсак, савобга қолардик.

Бу воқеа қуйидагича бўлганди. 1986 йилнинг 6 февралидан 7 февралига ўтар кечаси Андижон шаҳридаги халқа йўлида улов қатнови бир зум тинмади. Милиция катта лейтенанти Изатилло Мадаминов ва старшина Аҳмад Хўжамоновлар ўз постларига сергаклар. Узоқдан катта тезликда келаётган машина уларни шубҳалантирди. Тўхташ ишорасига парво қилмаганлар милиция ходимларига қараб ўқ уздилар. Қирғизистонлик А. Чирков, В. Овчинников ва В. Витмерлар ўш шаҳридан катта миқдордаги пулни ўмариб қочиб келаётган эканлар. Ёрдамга етиб келган милиция ходимлари уларни қўлга олдилар.

1986 йилнинг 16 мартида ССЖИ Олий Кенгаши Раёсатининг Фармонига биноан ўша тунда мардлик намуналарини кўрсатган И. Мадаминов ва А. Хўжамоновлар вафотидан сўнг «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» нишони билан мукофотландилар.

ДАН ташкил топганига 55 йил тўлиши муносабати билан шахид кетганларни ёд этамиз: М. Давидов, М. Матчонов, Ф. Пак, О. Асқаров, М. Ғошимов, В. Грицельд, Р. Каримов, А. Норхўжаев, М. Ғиёсов, И. Мадаминов, А. Хўжамонов, С. Иноғомов.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

ҚУТЛОВ

ЙЎЛИМИЗ

БЕХАТАР БЎЛСИН

ССЖИ ИИБ таркибида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат автомобил назорияти ташкил этилганига 55 йил бўлибди.

1950 йилда жумҳурият ДАНга бошчилик қилган Андрей Лазаревич Каспаров бугунги кунда ҳам йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида.

Бўлимимиз ходимлари ўз ишларини кенг жамоатчиликнинг ёрдамисиз тасаввур қилишолмайди. Улар халққа суянган ҳолда муҳим тадбирларни амалга ошириб, йўлдаги бахтсиз тасодифларнинг камайишига эришмоқдалар, десак муболаға бўлмас.

ДАН ходимлари билан ҳамкорликда болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ҳар бир автоҳўжалик мактабларга бириктирилган.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ДАН ходимларини 55 йиллик фаолиятлари билан қутлар эканман, уларга сўхат-саломатлик, ҳаминша сергаклик, қондабузарлиқнинг ҳар қандай кўринишига мурросасизлик, йўллардаги хавфсизлиқни таъминлаш кўп жиҳатдан уларга боғлиқ эканлигини бир зум ҳам унутмаслигини тилардим.

Ҳайдовчи ва йўловчилардан эса интизомли бўлишларини ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини сўрардим.

Йўлларимиз ҳаминша беҳатар бўлсин!

Раҳим УБАЙДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар йўловчи транспорт йўл хавфсизлиги бўлими бошлиғи.



РЕПОРТАЖ

Тунлар тонгга уланганда

Вақт алламаҳал бўлган. Лекин катта йўлда машиналар қатнови ҳамон тинмади. Чунки қўшни Туркменистонга ва бошқа манзилларга фақат шу йўл билан бориш мумкин. Шу туфайли йўл назоратчилари тунги фаолиятини кучайтирадилар.

Шаҳарга кираверишда ДАН пости бор. Кўпгина қондабузарлар шу ердан тинчгина ўтиб олсак, марра бизники, деб ҳисоблашади.

Тунги сменани қабул қилиб олган Комилжон Турсунов автоуловлар қатновини диққат билан кузатиб турибди. Шу пайт узоқдан оғир юк ортилган «КамАЗ-5414» белгилли 95—70 ТВМ рақамли машина кўринди. У поста тобора яқинлашаётган бўлсада, тезлитини камайтирмасди.

Инспектор йўлдаги таёғи билан автомашина ҳайдовчи

сига йўл четига чиқиб тўхташ ишорасини билдирди. Ҳужжатлар мўздан кечирилди. Кейин машина бортига разм солинди. Бундан ҳайдовчи хавотирга тушиб, инспекторни четга тортиб, алла-нарсаларни ваъда қилди. Бироқ унинг найранги ўтмади. 20 тонна тарвуз ортилган машина туман чегарасидан чиқиб кетолмади. Маълум бўлишича, давлат машинасидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишга ўрганган татаристонлик Андрей Ватури Толлимаркон ГРЭСи ёрдамчи хўжалиги ишчиси Галина Нам билан тил топишган. 20 тонна тарвузни Мордовия мухтор жумҳуриясининг Саранск шаҳрига олиб бориб сотмоқчи экан. Қинғир мақсад шу тариқа чиппанка чиқарилиди.

Бу Қарши тумани ИИБ ДАН бўлимидаги ходимлари сертапвиш фаолиятларидан бир лавҳа, холос. Улар жо

рий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1500 марта турли қондабузарликларни аниқладилар. Шундан 77 таси маст ҳолда автоулов бошқариш, 60 таси тезликни ошириш, 55 таси темир йўлни кесиб ўтиш қоидаларини бузишдир.

Бўлиммага милиция майори Фармон Турсунов раҳбарлик қилапти. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу киши 18 йилдан буён ички ишлар соҳасида хизмат қилиб келапти. Унинг ташаббуси билан ДАН бўлимида ишчан инспекторлар ҳисобига мустаҳкамланди. Дарҳақиқат, йўл-улов фалокатларининг олдини олишда касбига меҳр қўйган Қ. Амиркулов, Ф. Бозоров, Э. Бердиев, А. Эшмуродов сингари ходимлар ҳиссаси салмоқлидир. Яқинда бу ерда вилоятдаги барча ДАН раҳбарлари иштирокида семинар-кеңаш ўтказилди. Қаршилик

йўл назоратчилари тажрибаси ўрганишга арзийди, деган яқдил фикрга келишди.

Қарши тумани вилоят марказига энг яқин туман ҳисобланади. Унинг ҳудудида 18 та жамоа ва давлат хўжаликлари, 6 та автокорхона, 110 га яқин турли ташкилот ва муассасалар бор. Йўлларнинг умумий масофаси эса 2 минг 825 километрни ташкил этади. Шунча катта ҳудуд бўйлаб қатнаётган уловлар ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш, йўлга чиққан ҳар бир одамнинг манзилига бешикаст етиб олишини таъминлаш 13 нафар назоратчи зиммасида. Улар эса бу вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар.

Полвон ТҶУЛИЕВ, Қарши туманидаги «Коммунизм алангаси» рўзномаси муҳаррири ўринбосари.

Диққат: томоша қилинг, дам олинг!



Яқинда Шредер номли боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат автомобиль назорияти ходимлари ва фахрийлари, Шерали Жўраев, Юлдуз Усмонова, Нуриддин Хайдаров, Обид Асомов сингари таниқли санъаткорлар билан гавжум бўлди.

ДАН туғилган кунга 55 йил тўлиши муносабати билан ташкил қилинган бу учрашувни Ўзбекистон ойнаи жаҳони суҳандонлари Раҳматилла Мирзев ҳамда Раъно Жўраевалар олиб боришди.

Анжуман давомида жумҳуриятимиз йўлларида улов ҳаракатини назорат қилиб келаётган, турли фалокатларнинг олдини олишда ўзига хос тажриба тўплаган ДАН ходимлари ўз фаолиятлари

ҳақида гапирдилар. Шунингдек, ички ишлар соҳасида узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилган, айни пайтда эса кексалик гаштини сураётган фахрийлар — милиция полковниклари М. Абутов, А. Каспаров, милиция подполковниги А. Тошметов ва бошқаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилди. Ўзбекистон халқ шоири, ССЖИ халқ ноиб А. Орипов ДАН ходимларини байрам билан муборакбод этди.

Ана шу учрашувдан ёзиб олинган адабий-музыкали кўрсатувни шу йил 3 июль кuni соат 22.20 да Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали томоша қилишингиз мумкин.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

«Қоидали юр, дейман!»

Улар қатнов гавжум йўлларда навбатчилик қилишмайди, нўноқ ҳайдовчилар билимини синовдан ўтказишмайди, уловни рўйхатга олиш ёхуд чиқариш билан шуғулланишмайди. ДАН хизмати таркибидаги ташвиқот ва тарғибот ходимларининг меҳнати шунга қарамасдан ҳамма ерда сезилиб туради.

Болаларга аталган қўшиқдан олинган юқоридаги сатр улар фаолиятининг бош мақсадини аниқ эттиради. Бугун жумҳурият йўлларида бурноғи йилларга нисбатан каттироқ йўл-улов ҳодисалари юз бериб, жабрдийдалар сони ҳийла қисқараётган экан, бунини кўп жиҳатдан ташвиқотчилар ҳаракати билан боғлаш зарур. Чунки улар мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб олий билимгоҳларда, меҳнат жамоаларидан тортиб одамларнинг яшаш жойларида йўл ҳаракати қоидаларини қатновда иштирок этаётган ҳар бир кишига тушунтириб бориш борасида астойдил тер тўкишади.

Мақсад — зеро, инсонни бахтсиз ҳодисалар гирдобига тушишдан асрашнинг савобига нима етсин. Уни амалга ошириш учун ташвиқотчилар давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, ўқув даргоҳларининг муаллимлари аҳли, оммавий ахборот воситалари ва кўнгилли халқ дружиначилари билан қалин ҳамкорлик қилишмоқда.

Жамоатчи фотомухбири миз Т. Михайлов олган ушбу суратларда ЎзССЖ ИИБ ДАНБ ташвиқот ва тарғибот бўлими ходимлари фаолияти аниқ эттирилган. Бўлим бошлиғи милиция майори Азиз Эрназаров бўлим ходимлари милиция капитани Анвар На-



матбуот саҳифаларида тез-тез иштирок этиб туради. Кўнгилли дружиначилар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйна-



шини милиция лейтенанти Барот Маменов яхши билади. Шунинг учун у ўртадаги алоқани кучайтириш ва ҳамкорлик самарасини ошириш билан банд.

Ғ. ЖўРАЕВ.

Излар «ГАЗ—53»га тақалди

Денов шаҳар ички ишлар бўлимига қутилмаганда совуқ хабар етиб келди. Кўчаларнинг бири бўйлаб мотоциклда бораётган ўсмирни аллақандай юк машинаси уриб кетибди. Жабрдийда ўша лаҳзадаёқ жон берган-у, жиноятчи жуфтанни ростлаган. Бу воқеа ички ишлар ходимларининг дарров таъбини тирриқ қилди. Ахир, бугун байрам — Ғалаба кунини. Орзқиб қутилган дам олиш соатларини яна асаббузарлигун, жон ҳалақлик билан ўтказмоқни ким истайди, дейсиз. Устига-устак ўша қочоқ кошкни из қолдирган бўлса.

Ўша мудҳиш фожиа содир бўлган кунини ҳам ўзининг байрам соатларини изкуварлик билан ўтказишга, ҳатто бу тадбир таҳликли эканлигини билишсада, тайёр кишилар ҳар қалай, топилди. Уларга Денов шаҳар ИИБ ДАН катта назоратчиси милиция катта лейтенанти Саидмурод Хондалов бош-қош эди. Қатъият ва ишонч қақнардан бу ишбилармон, заҳматкаш кўзида. Саидмурод Хондалов бундан ўн беш-ўн олти йилча аввал милиция хизматида келган. Ундан бери не-не кунлар ўтди, қанча-қанча сувлар оқиб кетди. Саидмурод Денов ша-

ҳар ИИБда кўпгина катта-кичик лавозимларда ишлаб кўрди. Лекин унинг табиятига хос бўлган ўша серғайратлигун жасурлик барқ уриб тураверди. У кишининг ишбилармонлиги, тиниб-тинчимаслиги оқибатида кўпгина жиноятлар иссиғида очилди, ўғирланган машиналар, мотоцикллар топилиб, эгаларига қайтарилди. Бундай қувонарли муваффақиятлар Саидмурод Хондаловнинг обрў-эътиборини ошириб юборди. Бироқ анчайин содда ва оққўнгил бу инсон ютуқлардан эсанкираб, босар-тусарини билмай қолгани йўқ. Ўзини ҳаминша жамоатчилик билан кучли, деб ҳисоблайди. Ёш ходимларга меҳру мурувват кўрсатади, уларни чин кўнгилдан тарбиялайди.


Саидмурод Хондалов раҳбарлигидаги гуруҳ жиноятчининг излашга тушди. Чор атрофдаги барча соқчиларга хабар бериб чиқилди. Соат тунги ўнлар эди. Ҳаво хийла намчил. Улуғвор Боботог томонларда чақмоқлар чақарди. Бир маҳал Саидмуроднинг юрагида ҳам қувонч ва ҳаяжон чақмоқлари чақиб ўтди. У фалокат рўй берган жойда сергаклик билан тимирекланаркан, ногоҳоний қу-

вончдан юзи ёришиб кетди. Биринчидан, ўша жиноятчи машинани маст ҳолда бошқарган. Бундай хулоса ясамоққа сабаб, жабрдийда деярли катта йўлнинг хавфсиз чеккасида бўлган. Демак уни топтаб ўтиш учун ҳайдовчи фақатгина ўлгудек маст бўлиши керак. Иккинчидан, жиноятчининг улови «ГАЗ-53» белгили юк машинаси бўлган. Бу далилни зукко назоратчи гилдирак изларидан пайқайди. Машина катта тезлик билан бир қур йўл чеккасида чиққан ва яна лойга беланганча асфальт йўл бўйлаб ўқдек учган. Орқада эса шапалоқдек-шапалоқдек излар қолаверган.


Орадан уч соат вақт ўтар-ўтмас жонқуяр назоратчи, удабуррон изкувар Саидмурод Хондалов нечоғлик ҳақ эканини исботлади. «ГАЗ-53» белгили юк машинасини маст ҳолда бошқарган жиноятчи қўлга олинди.

Ўша кунини гоёат ҳориган милиция катта лейтенантининг руҳи ҳийла тетик эди. Унинг юз-кўзида бир кайфият жилваланади. Бу нопок шахс вақтида қўлга олинганидан қониқиб ҳисси эди.

Луқмон БҮРИЕВ.



заров ва Барот Маменов билан янги иш режаларини ўртоқлашмоқда. Катта инспектор милиция подполковниги Михаил Татарников оммавий ахборот воситалари билан алоқани олиб боради. Милиция майори Анвар Сулаймонхўжаев йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи кўп нусхали нашрлар, буюмлар тайёрлаш билан машғул. Бўлим инспектори милиция капитани Александр Гринблат болалар ўртасида йўл-улов ҳодисалари юз беришининг олдини олиш борасида иш юритади. Милиция капитани Анвар Назаров ёш инспекторлар фаолиятига раҳбарлик қилади. Бундан ташқари ўтқир муаммолар ўртага ташланган мақолалари билан



БАЙРАМ СОНИ ЎЗССЖ ИИБ ДАНБ ТАШВИҚОТ ВА ТАРҒИБОТ БҮЛИМИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
ЎзССР